

ЎЗБЕКИСТОН МИЎЎЗАТЛАРИ ВА ҚОНУНЛАРИ

САНОАТИЙ ЗАҲАРЛИ  
ЧИҚИНДИЛАРНИ  
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ  
ВА ҚУМИШ ПОЛИГОНЛАРИ.  
ЛОЙИҲАЛАШ БУЙИЧА  
АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

ҚМҚ 2.01.12-96

Расмий нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АГЕНТЛИГИ  
ВА ҚУРИЛИШ ҚУМИТАСИ

Тошкент 1996



КМК 2.01.12 - 95. Саноатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қўмиш полигонлари Лойihalаш бўйича асосий ҳолатлар (ЎзР Давархитектурилиш қўмитаси Тошкент) 1997. 45 бет.

ИШЛАБ ЧИҚҚАНЛАР: Ўрта Осиё Саноат технологияси ИТЛИ (И.Я.Некрасов, В.Б.Суворова, И.А.Брушко, И.С.Возмязин, В.И.Тен, В.Н.Череленников), ЎзР Давархитектурилиш қўмитаси (Р.Х.Мирзаахмедов).

КИРИТИЛДИ: Ўрта Осиё саноат технологияси ИТЛИ.

МУХАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бакирхоноз, В.Э.Стадиш, Р.Ф.Файзуллаев (ЎзР Давархитектурилиш қўмитаси).

ТАОДИКЛАШТА ТАЙЁРЛОВЧИЛАР: ЎзР Давархитектурилиш қўмитасининг архитектура ва қурилуш Бош бошқармаси (Р.Ф.Файзуллаев); КМК 2.01.12 - 95 "Саноатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қўмиш полигонлари. Лойihalаш бўйича асосий ҳолатлар" Ўзбекистон республикаси ҳудудида ишга жорий қилиниши муносабати билан СН.П 2.01.26-85. "Саноатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қўмиш полигонлари. Лойihalаш бўйича умумий ҳолатлар" ўз қучини йўқотади.

КЕЛИШИЛДИ: ЎзР Давтабиат қўмитаси, ЎзР Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, ЎзР ИИБ, ЎзР Рангли мет. ЛИТИ, ЎзР Кимёлўйиҳа ИТИ.

Давлат тилига таржима:

Ф.Ф.н. Холиқова М.И. («АКАТМ» АТМ) томонидан бажарилган.

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Давархитектурилиш қўмитасининг рухсатисиз тула ёки қисман ҳол қилиниши қўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	Қ/М. 2.01.26-96
	Саноатий захарли чиқин- диларни зарарсизлантириш ва қўмиш полигонлари Лой- ихалаш бўйича асосий хо- латлар	СНиП 2.01.26-85 ўрнига

Ушбу меъёрлар саноатий за-  
харли чиқиндиларини зарарсиз-  
лантириш ва қўмиш полигонлари-  
ни (келгусидаполигонларни) лой-  
ихалашга жорий қилинади.

Меъёрлар радиофаол чиқин-  
диларни қўмиш полигонларини,  
мансий қаттиқ чиқиндилар учун  
полигонларни, саноатий захарсиз  
чиқиндилар йиғгичларини, гидро-  
металлургия заводлари ва бойи-  
тиш фабрикалари чиқинди омбор-  
хоналарини лойихалашга жорий  
қилинмайди.

Ушбу меъёрлар республика  
қурилиш меъёрлари ва қоида-  
ларининг таркибий қисми бўлиб,  
полигонларни лойихалашда бош-  
қа меъёрий ҳужжатлардан фойда-  
ланишни ҳам кузда тутади.

## 1. Умумий ҳолатлар

1.1. Полигонлар табиатни хи-  
моя қилиш иншоотлари бўлиб,  
улар саноат корхоналарининг,  
илмий-тадқиқот ҳамда бошқа  
ташкilotлар ва муассасаларнинг  
захарли чиқиндиларини марказ-  
лаштирилган йиғувга, зарарсиз-  
лантирувга ва қўмишга хизмат  
килади.

Полигонларнинг миқдори ва  
қуввати полигонларни қуришнинг  
техник - иқтисодий асослашлари  
билан белгиланади.

1.2. Материаллар (технология,  
тузилмаларни лойихалашнинг тех-  
нологик шартлари, фойдаланиш,  
зарарсизлаш ва қўмиш жараёнла-  
рини амалга оширишнинг усулла-  
ри ва ташкил қилиниши)

саноатий захарли чиқиндилар  
турларига қараб, буюртмани топ-  
шириги бўйича мутахассислашган  
ташкilotлар томонидан ишлаб  
чиқилиши лозим. Лойихалашга  
оид материаллар (дастлабки маъ-  
лумотлар) Ўзбекистон Республи-  
каси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги,  
ФТДК ва Дав. табиат қўмитаси  
ташкilotлари билан келишилши;  
лозим. Чиқиндиларнинг таснифи  
(рўйхати) ва заҳарлилиги (ҳавф-  
лилик синфи) саноатий захарли  
чиқиндиларни таснифлагичи ҳамда  
бундай чиқиндиларнинг заҳарли-  
лигини аниқлаш бўйича услубий  
курсатмалар бўйича белгиланади.

1.3. Полигон таркибида, қои-  
дага кўра, қуйидагилар кузда ту-  
тилиши лозим:

- саноатий захарли чиқинди-  
ларни зарарсизлантириш  
заводи<sup>[1]</sup>;

- саноатий захарли чиқинди-  
ларни ташишга мўлжалланган му-  
тисослашган автотрактор га-  
ражи<sup>[2]</sup>.

Урта Осиё Саноат тех- нологияси ИТЛИ томо- нидан киритилди.	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996 йил 27 июль № 55 рақамли бўйруғи билан тасдиқланган	Жорий қилиш санаси 1996 йил 1 октябрь
---	---	--

**Изоҳлар:**

1. Санъатий захарли чикиндиларни зарарсизлантириш заводи чиқинди уларни ёқиб ҳамда уларни зарарсизлантириш ёки захарлиликни пасайтириш (хавфлилик синфини) зорилайдиган шохлардан тўқатиш ва қўйиши керак бўлган чикиндиларни сувсизлаш ва эҳтимолан яхшилатиш мақсадида физик-кимёвий қайта ишлашга мўлжалланган.

2. Санъатий захарли чикиндиларни қўйиб майдонга тўқатиш синфли хавфли бўладиган захарли каттик чикиндиларни жойлашадиган махсус жойлашадиган коста ва бунёдларни шунингдек, ёқадиган ёнқочлар ва икшотларни қўйишга мўлжалланган ҳудудлар.

1.4. Полигонга келтирилувчи санъатий захарли чикиндилар ўзларининг физик-кимёвий хоссаларини ва қайта ишланиш усулларига қўра, гуруҳларга бўлиниб, шунга қўра у ёки бу зарарсизлантириш ва қўйиш усулидан фойдаланилади. Чикиндилар гуруҳлари ва уларни қайта ишлашда тавсия қилинадиган усуллар 1-тавсия қилинувчи иловада кўрсатилган.

1.5. Полигонга фақат хавфлилик синфлари 1, 11, 111 бўлган санъатий захарли чикиндилар қабул қилинади.

IV-синф хавфлиликли каттик санъатий чикиндиларни санитария-эпидемиология ва коммунал хизмат идоралари ва маҳкамалари билан келишган ҳолда каттик майшии чикиндилар полигонларга олиб кетилиши ва изоляцияловчи инерт материал тарзида ишлатилиши мумкин. IV-синф хавфлиликли каттик санъатий захарли чикиндиларни қўйиш майдонларига тегишли техник-иктисодий асослашлар мавжудлигидагина қабул қилиш мумкин.

Санъатий суюқ захарли чикиндиларни полигонга олиб кетиш олдиан корхонада сувсиз-

лантирилиши лозим. Санъатий корхоналардан суюқ захарли чикиндиларни полигонга қабул қилиш уларни сувсизлантириш техник-иктисодий жиҳатдан маъсадга мувофиқ бўлиган ҳоллардагина руҳсат бериллади.

Қўйидаги тур чикиндилар полигонда қабул қилинмайди:

а) металллар ва бошқа моддаларни аҳолиё олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган чикиндилар (ҳар бир муайян ҳолда чикиндилардан фойдаланиш ва қайта ишлаш усулларининг мавжуд эмаслиги тегишли вазирликлар ёки маҳкамалар томонидан тасдиқланиши лозим);

б) радиофвон чикиндилар;  
в) қайта тикланиши лозим бўлган коста маҳсулотлари.

**2. Полигонларни жойлаштириш**

2.1. Полигонларни жойлаштирув ҳудудини тамойил асосида амалга оширилиши лозим бўлиб, санъат тўғунларини ривожлантириш тузилмаларини ишлаб чиқишида кўзда тутилиши лозим.

2.2. Полигонларни қўйидагича жойлаштириш лозим:

- атроф-муҳитнинг ифлосланишини истисно қилувчи тадбирлар ва муҳандисий ечимлар амалга оширилиши мумкин бўлган майдончаларда;

- аҳоли манзиллари ва дам олиш осяалари томонидан шамол эсдиган томонда (аксарий йўналишиш шамоллар учун);

- ичимлик суви олинadиган манбалардан, бағикчилик ҳужалиларидан- уруғ ташланадиган оммавий боқладиган ва беллиқлар қўлайдиган ўралардан пастроқда;

- кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ёки кишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерларда;

- гидрогеологик шароитларга мос тарзда, одатга кўра, заиф фильтрланувчи грунтли (лойли, кумли лой, сланецли) майдонларда, грунт сувларининг энг катта кўтарилиши полигонни ишлатиш жараёнида кўйиладиган чиқиндиларнинг пасти сатҳидан камида 4 м узоқда бўлиши лозим.

2.3. Полигонларни куйидаги ҳолатларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

- дав.табиат қўмитаси билан келишувсиз;

- фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда давгеология қўмитаси ва дав.шаҳ.техника назорати билан келишмасдан;

- ҳисобий зилзилабардошлилиги 9 ва ундан ортиқ балли майдонларда;

- тоғ жинсларини (рудали ва норуда) казиб олувчи; қайта ишловчи корхоналарнинг ҳавфли уюмлари соҳасида;

- ер ости сувлари артезиан ҳавзалари таъминоти соҳаларида ҳамда очик манбалардан ичимлик сув олиш жойларидан юқорида;

- фаол ўпқонлар, кучкилар, сел оқимлари ва қор кучкилари соҳасида;

- суғориш ва энергетика мақсадларидаги сув омборлари туғонлари бузилганда сув босиш ҳавфи бўлган, ТЭЦ ва ГРЭС кул омборларининг сақлагич дамбалари, бойитувчи фабрикалар ва гидрометаллургия заводлари чиқиндилари омборлари соҳасида;

- ботқоқ жойларда ва сув босадиган ҳудудларда;

- оғир киш шароитлари мажҳуд бўладиган қурилиш-иклимий III-зонада;

- курортлар ва санаторияларнинг санитария ҳимояси соҳасида;

- шаҳарларнинг яшил соҳалари ҳудудларида;

- ўзмон, ўрмон парклари, ҳимоя ва санитария-тозалаш вазифаларини бажарувчи ва аҳолининг оромгоҳлари вазифасини бажарувчи бошқа яшил дерахтлар билан банд қилинган ёки банд қилишга мулжалланган ерларда;

- давлат қуриқхоналарига тегишли ерларда;

- органик ва радиофаол чиқиндилар билан ифлосланган жойларда санитария-эпидемиология хизмати муассасалари белгиланган муддатлар ўтгунча.

2.4. Полигон майдони ўлчами чиқиндиларни 20-25 йиллар давомиди жамлаш муддатларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

2.5. Мухандисий изланишлар материаллари изланишларнинг ишларни бажарилаётган пайтида амалда бўлган (белгиланган тартибда тасдиқланган) меъёрий ҳужжатлари талабларига жавоб бериши лозим.

2.6. Санотий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қумиш бўйича полигонларни қоидага кўра, иложи борича корхонага чиқиндиларни ажратувчи асосий таъминот манбаига 2-бўлим талабларини ҳисобга олган ҳолда яқин масофага жойлаштириш лозим.

### 3. Режалаштирувга талаблар

3.1. Полигон объектларининг бош режаларини ишлаб чиқишни киме сансати корхоналарининг бош режаларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга мос тарзда бажариш лозим.

3.2. Санъатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш заводларини қўриш зичлиги 30%дан кам бўлмадиги лозим.

3.3. Санъатий захарли чиқиндиларни қўриш майдонини лойиҳада ишлаб чиқариш ва ёрдамчи соҳаларга ажратишни кўзда тутиш лозим. Соҳаларнинг бинолари ва иншоотлари орасидаги масофа камида 25 м бўлиши лозим.

3.4. Майдоннинг ишлаб чиқариш соҳасида карталар турлича синф ҳаволидаги чиқиндиларни айримайрим қўришни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

3.5. Ёрдамчи зонада қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

- маҳкамавий-маиший бинолар, лаборатория;
- машиналар ва механизмларнинг тўрига жойлари учун усти ёпилган майдонча;
- машиналар ва механизмларни жорий таъмирлаш учун устaxonа;
- ёқилги-мойлаш ашёлари учун омбор;
- карталарни консервациялаш сувсиндириладиган қопламалар тузиш учун мулжалланган ашёларни сақлаш омбори;
- ёқилги омбори билан бирга қозонхона;
- канализациявий тозалаш иншоотлари;
- ёмғир эриган қор ва зовур сувларни буғлатгич-ҳовуз;
- маҳсул машиналарни ва контейнерларни тозалаш ювиш ва зарарсизлантириш иншоотлари;
- автомобил торозиси;
- назоратий - ўтказиш пункти.

Изоҳлар

1. Бўшақ иссиқлик таъминот манба-лаш йиғилишида қозонхона қўрилиши кўзда тутиш мумкин.

2. Санъатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш заводи ёки чиқиндиларни қўриш участкасини битта майдондада жойлаш ҳолида маҳкамавий-маиший хоналар, лабораториялар, маҳсул машиналар ва маҳкамавий автотарози учун усти ёпи майдонча, ёқилги-мой ашёлар учун омбор, маҳсул машиналарни ва контейнерларни тозалаш ювиш ва зарарсизлантириш иншоотлари, ёмғир, эриган қор ва зовур сувларини буғлатгич - ҳовуз, канализациявий тозалаш иншоотлари, қондага қўра, умумий бўлиши лозим.

3.6. Полигон ўрамаси бўйича баландлиги 2.4 м бўлган автотаро-тик ҳимоя даракчи қўрилмали тү-сикка эга бўлиши лозим. Завод ҳудудини ва санъатий соҳанинг түсигини тегирибетон плиталардан ёпиқ қилиб бажарилиши лозим. СЗЧни қўриш майдончаси түсиги - тиконли симдан ясаллади. Қўриш майдончаси түсигининг ташқи то-монидан маҳаллий грунтлар воси-тасида баландлиги 1.5 м ва тепа-сида кенглиги 3 м бўлган ўрам билан қўрилиши лозим. Қўриш майдончаси ва завод ҳудудининг түсиги - кўтармаси ташқарисида кенглиги камида 20 м бўлган ўр-мон-ҳимоя тасмасини ташкил қилиш тавсия қилинади.

3.7. Полигонни устки сувлар-дан СНИП "Ҳудудни сув босимдан ва сув остида қилидан муҳанди-сий ҳимоялаш"га мос тарзда хи-моялаш лозим.

Иншоотларнинг сув ўтказиш қобилияти 1% сарфга ҳисоблани-ши лозим бўлиб, тошқин вақтида барча сув йиғилувчи яқин май-дондан сув жадал йиғилганда улар текширув пайтида 0,1% сарфни ўтказиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Сувни энг яқин сув оқимиға қўриш кўзда тутилиши лозим.

3. Иншоотларнинг сув ўтказиш қобилияти 1% сарфга ҳисобланиши лозим бўлиб, тошқин вақтида барча сув йиғилувчи яқин майдондан сув жадал йиғилганда улар текширув пайтида 0,1% сарфни ўтказиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

3. Полигонда сел канализацияси тайерлаб қўйилиши лозим. Завод ҳудудида ҳўллаб тозалаш,

ёмғир ва эриган қор сувларини олиб кетишни таъминлаш учун ташмиллаштирилган қоплама кўзда тутилиши лозим.

Полигондаги барча автойўлар темирбетон тахталар билан қопланган тарнов ёки ариқларга эга бўлишлари лозим.

3.9. Полигондаги ички ёмғир, эриган қор ва зовур сувларини, жумладан, ифлосланган сувларни, буглатгич-ховузга келтирилиши кўзда тутилиши лозим. Буглатгич-ховуз - бир ёки бир неча булма-лардан ташкил топиши мумкин.

Буглатгич-ховузнинг улчамлари полигондан ёмғир, эриган қор ва зовур сувларининг ўртача йиллик ҳисобий оқимини қабул қилишдан келиб чиққан ҳолда сув балансини ҳисоблашлар асосида аниқланиши лозим.

3.10. Махсус машиналарни ва контейнерларни тозалаш, ювиш ва зарарсизлантириш иншоотлари полигоннинг ишлаб чиқариш соҳасидан чиқиш жойида маҳкамавий маиший бинолардан камида 50 м масофада жойланишлари лозим.

3.11. Чиқиндиларни кумиш майдончасининг кириш йўллари, ишлаб чиқариш соҳаси сунъий ёритишга эга бўлиши лозим. Ишчи қарталарнинг ва кириш йўллари-нинг ёритилганлиги камида 5 лк бўлиши лозим.

#### 4. Полигоннинг қуввати

4.1. Полигоннинг қуввати, саноатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш заводига ҳамда чиқиндиларни кумиш майдончасига олиб келувчиларни ҳам ҳисобга олганда, полигонга бир йил давомида қабул қилиниши мумкин бўлган захарли чиқиндилар (минг

точналарда) миқдори билан аниқланади. Контейнерларда кумишлиши лозим бўлган чиқиндиларнинг миқдори контейнерларнинг массасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

4.2. Саноатий захарли чиқиндиларни: кумиш майдончининг сигдирувчанлиги таъминотчилардан бевосита кумишга юборилувчи ва чиқиндиларни зарарсизлантириш заводларида ҳосил бўлувчи чиқиндилар миқдори (минг тонналарда) билан аниқланади.

#### 5. Саноатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш

5.1. Полигонга олиб келинувчи ёнмайдиган суюқ чиқиндиларни кумиш олдидан сувсизлантирилиши ҳамда техникавий имконият бўлганда зарарсизлантирилиши лозим (баъзи бир металллар валентлигининг пасайтирилиши, эрмайдиган бирикмаларга айлан-тирилиши лозим).

5.2. Полигонга келтирилувчи суюқ, қаттиқ ва лойсимон ёнувчи чиқиндиларни, ёниш маҳсулотларининг илежи бўрича физикавий иссиқлигидан фойдаланган ҳолда ўчоқларда ёқиш, ажралувчи газларни иккиламчи зарарли моддалардан тозалаш лозим.

5.3. I-синф ҳавфлиликка эга бўлган эрувчан моддаларга эга бўлган қаттиқ ва лойсимон ёнмайдиган чиқиндиларни, қоидага қура, техникавий имконият бўлганда, кумиш олдидан, захарли моддаларни эрмайдиган бирик-маларга айлан-тириш орқали қисман зарарсизлантирилади. Тегишлича техник-иқтисодий асосланганда, I-синф ҳавфлиликли: эрувчан моддаларга эга бўлган қаттиқ ва лойсимон ёнмайдиган

чиқиндиларни термик металл контейнерларда қумишга рухсат берилади (5.2. бандга к.).

5.4. Полигонга келтирилувчи чиқиндиларни қайта ишловини сансатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш заводларида амалга ошириш лозим.

Завод лойиҳасининг технологик қисмини ишлаб чиқишни, ҳақиқий чиқиндилар билан моддаларда ўтказилган илмий-тадқиқот ва тажрибавий ишлар натижасида олинган дастлабки маълумотлар асосида ҳамда 1.2. ва 2.8 бандлар талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

5.5. Сансатий захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш заводи таркибида қуйидагилар бўлиши лозим:

- маҳкамавий-маиший хоналар, лаборатория, технологик жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш маърузий диспетчерлик тахтаси, тиббий ёрдам пункти ва ошхона;
- қаттиқ ва лойсимон ёнувчи чиқиндиларни термик зарарсизлантириш цехи;
- қаттиқ ва суюқ ёнмайдиغان чиқиндиларни физик-кимёвий зарарсизлантириш цехи;
- бузилган ва тамғаланмаган балонларни зарарсизлантириш цехи;
- симоб ва люминесцент лампаларни зарарсизлантириш цехи;
- охак суги тайёрлаш цехи;
- насос пункти билан бирга энгил аланталанувчи ва ёнувчан суюқликлар омбори;
- кимёвий ашёлар ва реактивлар омбори;
- оловга бардошлилик буюмлар омбори;
- автомобил торозиси;

- махсус кир ювиш хонаси (циркат тузиш имкони булмаганда);

- махсус машиналарни, идишларни ва контейнерларни механикалаштирилган ювиш жойи;
- таъмирлаш-механика цехи;
- назоратий-ўтказиш пункти;
- заводнинг эҳтиёжларига оид умумзавод объектлари.

5.6. Қаттиқ ва лойсимон ёнмайдиغان чиқиндиларни термик зарарсизлантириш цехида қуйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

- қаттиқ ва лойсимон ёнувчи чиқиндиларни қабул қилиш ва оралик сақлаш учун хуприкли грейфер кўтаргич билан жиҳозланган майдонча ва бункерлар;
- чиқиндиларни қуйдириш учун ўчоқлар;
- суге буғи ишлаб чиқариш учун утилизация қозонлари;
- тутун газларни чангдан тозалаш тизими;
- тутун газларни физик-кимёвий (хлорли ва фторли водороддан, олтингутурт оксидлари ва бошқа киришмалардан) тозалаш тизими;
- кул ва тошқолни ажратиб олиш ва йиғиш тизими.

5.6.1. Лойиҳада ўчоқнинг улушловчи қурилмасининг қабул қилувчи штуцери ўлчамлари билан чегараланувчи қаттиқ чиқиндилар йирик фракцияларни майдалаш (ёндириш олдида) кўзда тутилиши лозим.

5.6.2. Ўчоқларнинг конструкцияси қаттиқ, суюқ ва лойсимон чиқиндиларни ўзи ҳам ёнувчи идишларни (сигими 60-100 л булган, ёнувчи синтетик материаллардан ясалган барабанлар ва б.) ёқишни таъминлаши лозим. Ўчоқлар конструкцияларини ишлаб чиқараётганда келгусида



чиқиндилар таркибининг тулик ўзгариши мумкинлиги ҳисобга олиниши лозим.

5.6.3. Учокларни юклаш қурилмалари турлича чиқиндилар уочка ҳам микдоран ҳам уочқнинг ис-сиклик юкласини жиҳатидан, чиқиндиларнинг нисбатан бир те-кижда ениши ва утиллоачи қозонда олинувчи бугнинг мик-дори бир маромда бўлишига эришишни таъминлайдиган тар-зда лойihalаниши лозим.

5.6.4. Учокда чиқиндиларни экиш харорати 1000° С дан, гало-генли бирикмалар мавжудлиги ҳолида эса, 1200° С дан паст бўлмаслиги керак.

5.6.5. Галогенли чиқиндиларни уочка шундай микдорларда улушлаб киритиш лозимки, токи хлорли ва фторли водороднинг ҳар бир аниқ вазиятида атмосфе-рага чиқарилишига йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий чиқариш микдоридан ортик бўлмаслиги ҳамда тутун газлардаги хлорли ва фторли водороднинг микдори ҳажм жиҳатдан 0,1 % дан ортма-син.

5.6.6. Саноатий чиқиндиларни ёндириш уочигидан кейин тугал - ёндириш бўлмаса қўзда тутили-ши, унга тегишлича қўшимча ёкилғи ва ҳаво бериб, муайян юқори ҳароратда ва 2с кам эмас гақт давоматида унда чала ёнган маҳсулотларнинг тулик оксидла-нишига эришилади.

5.6.7. Тўлиқ ёчдириш бўлма-сининг чиқишида тутун газларнинг харорати 1000° С дан паст бўл-маслиги, галогенли бирикмалар мавжудлигида -1200° дан 1450°С гача бўлиши керак.

5.6.8. Саноатий чиқиндиларни экиш ўчсигидаги дланганинг бизан назоратини, қоидага қўра, теле-визия камераси воситасида ба-жариш қўзда тутилиши лозим.

5.6.9. Тугал ёндириш бўлма-сидан кейин жойлаштирилувчи утиллагичқозон қўйидаги иш шэ-роитларини қаноатлантириши лозим:

- киришда тутун газларининг харорати 1450° С гача бўлиши лозим;

- иссиклик юкламанинг кескин ўзгаришларида (1 минутда 30 % гача) қозоннинг муътадил, ишонч-ли ишлаши таъминланиши лозим;

- қозон қувурларининг тутун газга тегилувчи деворлари ҳаро-рати 150-350° С чегараларда бў-лиши лозим;

- қозоннинг конвектив сиртла-рига киришда тутун газларнинг харорати 600° С дан юқоои бўл-маслиги лозим; (эриган сулнинг сиртга ёпишиб қолишини истисно қилиш, ва демак, коррозияни оя-дини олиш учун);

- тутун газларнинг қозондан чиқишдаги харорати 250-300° С чегараларда бўлиши лозим;

- қозоннинг конструкцияси қизиган сиртларни қўздан ўтқа-зишга имкон бериши лозим;

- қозон конструкциясида қи-зиган сиотларни тозалаш учун қурилмалар қўзда тутилиши лозим.

5.6.10. Ёқишга келтириладиган саноатий чиқиндилар таркибида 150 дан 300° С харорати юқори бўғ босимига эга бўлган модда-лар (маргимуш, селен, фосфор оксидлари, шунингдек, сурма, маргимуш, темир, қўроғошин, кад-мий, висмут ва б. хлосидлари) мавжуд бўлганда ҳўл тозалаш

босқичи кўзда тутилиши лозим. Хўл тозалаш тизими атмосферага чиқариб ташланадиган тутун газлардаги кўрсатилган ифлосланларнинг миқдорини чиқариб ташлашнинг йўл қўйиладиган чегаравий кийинатларгача камайишини таъминлаши лозим.

5.7. Окава сувларни ва ёнувчи суюқ чиқиндиларни термик зарарсизлантириш цехида окава сувларни ва ёнувчи суюқ чиқиндиларни термик зарарсизлантириш ўчоқлари билан барча газларни минерал тузлардан тозалаш тизимини ва минерал тузлар аралашмаларини қуруқ ҳолда ажратиб олиш тизимини ҳамда тутун газлардан ишлатиладиган мажмулотларни (тузлар ва кислоталар) ҳосил қилгандан сўнг, чиқариб ташланувчи газларни йўл қўйиши мумкин бўлган чегараларгача тозалаш тизимлари кўзда тутилмоғи лозим.

Окава сувларни ва ёнувчи суюқ чиқиндиларни термик зарарсизлантиришда қуйидаги шартларга риоя қилиниши лозим:

- циклон ўчоқларда ёки бошқа тур ўчоқларда чиқиб кетувчи газларнинг ҳарорати 950-1050° С чегараларда бўлиши лозим;

- органик моддаларнинг оксидланиши натижасида ҳосил бўлувчи ҳлорли водород, олтингурут ва фосфор оксидларига айланиши ўчоқ ичида ўювчи натрий ёки натрий карбонат воситасида амалга ошиши лозим. Ўювчи натрийнинг (натрий карбонатни) ўчоқ ичига окава сувлар билан биргаликда керагидан 10 % орტიқча миқдорда киритиладиган;

- циклон ўтхонасида ҳосил бўлувчи минерал тузлар аралашмасининг суюқланмасини скруббер-совутгичнинг ҳажмига чиқариш лозим;

- совуттилган газларни тезлаш турбулент газ-ювгичларда минерал тузлардан тозалаш лозим, тобора пичда ҳосил бўлган тузларнинг кучсиз эритмасини, ўчоқдан чиқаётган юқори ҳароратли газларнинг физиксизлиги юзасидан мисибга буғлантириш скруббер-кўюкпантириш учун скруббер-совутгичга қайтариш лозим;

- тузларнинг кўюкпалган эритмасини скруббер-совутгичдан уялуксиз чиқара туриб, аралашма чиқариб турилган тизимга қуруқ ҳолда минерал тузлар киритиб турилади;

#### ИЗО

Тузларни қаттиқ ҳолда олиш учун циклон ўчоқдан минерал тузлар аралашмаси суюқланмасини совутгич-гранулагичга чиқаришга шўмингдай дастава ва совуттилган газларни тозалашга риоя қилинади. Бунинг учун тулик буғланиш ускуналаридан фойдаланиш лозим бўлади.

5.8. Қаттиқ ва суюқ ёнмайдиган чиқиндиларни физик-кимёвий зарарсизлантириш цехида қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

а) ўз ичига қуйидаги тизимларни олувчи цианли қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантириш қурилмасини:

- чиқиндиларни қабул қилиш ва майдалаш;

- куйқа тайёрлашни ва цианидларни цианитларга ўтказишни;

- куйқани сузишни;

б) ўз ичига қуйидагиларни олувчи гальваник ишлаб чиқариш чиқиндиларини зарарсизлантириш қурилмасини;

- чиқиндиларни қабул қилиш учун ҳажмдор жойни;

- сульфат кислота ва темир кулороси эритмасида  $Cr^{6+}$  ва  $Mn^{2+}$  ларни ажратиш тизимини;

- оҳақ сүти воситасида оғир металллар ионларини чуқртириш тизимини;

- чуқмани сузиш тизимини;

в) уй ичига қуйидагиларни олувчи маргимушли чиқиндилар қурилмасини.

- чиқиндиларни қабул қилиш учун ҳажмдор жойни;

- уч валентли ва хлор уч маргимуш бирикмаларини маргилуш кислотатага, натрий арсенатини ва нитрооксифенил - аросон кислотатага ўтказиш тизимини;

- маргимушли бирикмаларни оҳақли сүт воситасида кальций арсенати кўринишида чуқртириш тизимини;

- чуқмани сузиш тизимини;

- сузилган моддаларни буглатиш тизимини.

5.9. Бузилган ва тамгаланмаган баллонларни зарарсизлантириш биносида қуйидагиларни кўзда тутиш лозим:

- баллонларни портлатиш учун зирхланган урани;

- зирхланган ураларни ва чиқиб кетадиган газларни ювиш ва зарарсизлантириш тизимини;

- портловчи моддаларни сақлаш учун ертўлани.

5.10. Симобли ва люминесцент лампаларни зарарсизлантириш биносида қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

- люминесцент ва симобли лампаларни зарарсизлантириш учун агрегатларни;

- технологик газларни симобдан тозалаш тизимини;

- ювинди сувларни симобдан тозалаш тизимини;

- қайта ишловга жўнатилувчи, симобга эга булган чиқиндиларни

контейнерларни сақлаш учун омибор биносларини

Изоҳ

Полигонга келтирилувчи чиқиндиларнинг муайян таркибига боғлиқ тавоф, асосий технология бинолар ерданчи бинолар ва инжиротлар таркиби узгартирилиши мумкин.

## 6. Қумиш технологияси ва конструкциявий ечимлар

6.1. Майдонга I, II, III ва IV - синф хавфлиликли қаттиқ чиқиндилар ва I-синф хавфлиликли лойсимон чиқиндилар қумиш усули уларнинг захарлилигига (хавфлиликли синфига) ва сувда эрувчанлигига боғлиқдир.

6.2. Қаттиқ ва лойсимон, ёнмайдиган, сувда эрийдиган I-синф хавфлиликли чиқиндилар қумиш майдончасига махсус герметик металл контейнерларда келтирилиши лозим. Контейнернинг қалинлиги камида 10 мм бўлиши лозим. Контейнерларнинг ўлчамлари чекланмайди, тулдирилган контейнернинг массаси 2 м дан ортмаслиги керак. Контейнернинг конструкциявий материали чиқиндиларга нисбатан коррозиявий бардошлиликка эга бўлиши, коррозия тезлиги 0,1 мм/йил дан ортик бўлмаслиги лозим. Контейнерларни герметикликка икки қарақичиндиларга тулдиришдан олдин ва кейин назорат қилиниши лозим.

Чиқиндили контейнерларни сувга мустаҳкамлиги синфи B15, сув сингирмаслиги тамғаси W 6 булган цемент қоришма билан ташки торкретирланган ва камида 20 мм қалинликда сувалган оғир бетон билан камида 0,4 м қалинликдаги деворга эга булган темирбетон бункерларда қумиш лозим. Бетонни тайёрлашда боғловчи сифатида сульфатга

бардошли цементдан фойдаланиш лозим. Бункерларни бўлма-ларга ажратиш кузда тўтилиши лозим. Хар бир бўлманинг ҳажми чиқиндилли контейнерларни 2 йил давомида қабул қилишни таъминлаш лозим.

Бункерда қамиде бешта бўлма кузда тўтилиши лозим. Ундан ташқари бункернинг грунтта тегишчи барча сирти гидроизоляцияланиши кузда тўтилиши лозим.

Кўмиш вақтида бўлмаларга ёмғир сувлари тушишдан ҳимоя қилиш учун бўтун бункер ости ён томон билан бирга ёпиб қўйи-лиши лозим.

Бункернинг кенглиги қабул қилинувчи юк кўтариш ускунаси-нинг (сома ёки чорлоя кўтаргич) иши соҳаси билан белгиланади. Бункернинг чуқурлигини техник-иктисодий ҳисоблаш орқали аниқлаш лозим.

Хар бир бўлманинг ички ўл-чамлари контейнер ўлчамига кар-рали бўлиши лозим.

Бункер конструкциясига унинг деворларининг юқори қирраси-дан 2 м пастроқда жойлашти-рилувчи ҳамда бункерни контей-нерлар билан тўлдирилганидан кейин унинг ёпғич уссури хизма-тини бақарувчи йиғма темир-бетон ораёпма ҳам кириши ло-зим.

6.3. Чиқиндилли контейнерлар-ни бункерлар бўлмаларида тах-лаш энг юқори сатхи бу бункер-ларнинг юқори зичдан қамиде 2 м пастроқда бўлиши лозим. Бункер бўлмаларини контейнер-лар билан тўлдиришдан ҳамда темирбетон тахталар билан ёп-гандан сўнг, бункерни гербицид-лар қўшилган лойли грунт билан,

меъерий намликда қатламлаб зичлаб ёпилади. Зичланган грунт устига бункер ўлчамларидан қа-мида 2 м қимб турадиган, бир томонга ёки икки томонга нишаб-ли суе ўтказмайдиган қоплама ёпиш кузда тўтилиши лозим.

6.4. Суеда эримайдиган I-синф хавфлиликли чиқиндиларни ҳамда II, III ва IV-синф хавфлиликли чиқиндиларни майдонда айрим тарзда жойлаштирган махсус кар-таларга кўмилади. IV-синф хавф-лиликли қаттиқ чиқиндилардан суеда эримайдиган II- ва III-синф хавфлиликли чиқиндиларни кўмиш карталарида ҳимоя қатлами сифа-тида фойдаланиш мумкин.

6.5. Карталарнинг ўлчамлари ва уларнинг миқдори келтирилув-чи чиқиндилар миқдори ҳамда майдончанинг ҳисобий ишлаш муддати билан белгиланади. Тур-ли хил чиқиндиларни битта карта-га кўмишга, агар улар биргалиқда кўмилганда, янада захарлироқ, портлов-ёнғин хавфлироқ модда-лар ҳосил қилмасалар, шунин-гдек, агар бунда газ ҳосил бўлиш юз бермаса, рухсат берилади.

6.6. Режада ер қатламларини чиқиндиларни тўлдиришда, очик сиртни қисқартириш мақсадида томонлари нисбати 1:1,5 дан 1:4 гача бўлган тўғри бурчаклар тар-зида тайёрланади.

Чангли чиқиндиларни кўмиш учун карталар кенглигини кичрай-тириш лозим. Бунда томонлар нисбати 1:20 гача оширилиши мумкин.

Карталарнинг чуқурлиги ер ишлари баланси шартидан белги-ланади. Карталарнинг ҳажми чиқиндиларнинг кўпи билан 2 йил

давонида қумишга қабул қилишни таъминлаши лозим.

Карталар тубини узунлиги буйича 0,05 нишабли қилиб тайёрланади.

6.7. Карталарни асраш тадбирлари ва қуриқ автомобил йулларини қуришдан сўнг, ел ва эриган қор сувларини олиб кетишни таъминлаш учун ер қасталари орасидаги масофа 8-12 м бўлиши лозим.

6.8. Карталарнинг туби ва нишоби текисланиши, гербицидлар билан зарарсизлантирилиши ҳамда сизишга қарши тўсиқ бўлса ҳам, бўлмаса ҳам зичланишлари лозим. Қўрсатилган ишларни сифатли бажариш учун нишоб асосини ҳамиди 1:3,5 қилиб олиш лозим.

6.9. Карталарни 1-жадвалда келтирилган сизиш доимчилири билан тавсияланувчи грунтларда жойлаштирилаётганда, тўлиқ синфли ҳавфлиликка эга бўлган захирали чиқиндиларни сизишга тўсиқ қуриш махсус тадбирларсиз қумишга рухсат берилади. Қўпроқ сизувчен грунтлар ҳолда эки улар нотўғри қавқлашиб қолган бўлган ҳолда сизишга қарши тўсиқ қузда тўтилиши лозим.

2. Ҳавфлилик синфига ва физик-кимёвий хоссаларга боғлиқ равишда тўсиқ турлари, уларнинг конструкциялари маълумотнома тарзидаги 2-илговда келтирилган. Тўсиқлар тури ва унинг конструкцияси ҳар бир муайян ҳолда хисоблашлар ва техник-иктисодий асослашлар билан аниқлаштирилиши лозим.

1-Жадвал

Т.р.	Чиқиндиларнинг захиралиги даражаси	Сизиш доимчилири см Fc
1.	Эримайдиган I-синф ҳамда эрийдиган II- ва III-синф ҳавфлиликдаги моддалар.	$10^{-3}$
2.	Эримайдиган II - ва III-синф ҳавфлиликдаги моддалар.	$10^{-4}$
3.	IV-синф ҳавфлиликдаги моддалар.	$10^{-5}$

6.10. IV-синф ҳавфлиликдаги чиқиндиларни ҳар бир қатламни текишлаш ва зичлаш билан қатламлаб жойлаш қузда тўтилиши лозим. Картанинг марказида чиқиндиларнинг саттини қўрма-нинг четидан баландроқ, қамаси бўйича эса, қўрмадан 0,5 м партоқ хилиб олиш лозим. Марказдан четта томон сиртлар нишоби бу ҳолда 10% дан ортмаслиги лозим. Чиқиндилар билан қўриқилган картани, 10% ли йонлиликда грунтни қўшиш билан 0,2 м қалачликдаги зичланган маҳаллий грунт билан изоляциялаш лозим.

6.11. Сузда эримайдиган I-синф ҳавфлиликдаги чиқиндиларни қузда I - ва II-синфда ҳавфлиликдаги чиқиндиларни қартага тўқишда қўшдан қармоқ таъминотида тўсиқ баландлигида ўлиб қўлиш лозим. Бунда қўшнинг доғига сиртча тўқилган қўши дарқол қамиди 0,5 м қалачликда грунт қўриқ қатлами билан айланиши, қўриқ қўшдан эса чиқиндиларнинг ҳавфатавли қўши тўқилиши лозим. Автомобилетчи грунтнинг қўриқ қатламида қўнатилган қўриқ қўшдан эса қўриқ қўши қузда тўтилиши лозим. Карта марказида қўриқилган

чиқиндиларнинг энг юқори сатҳи тўсувчи кўтарманинг четидан камида 0,5 м пастрокда, картанинг нишоб томонларидаги чиқинди ўрами кўтарма четидан камида 2 м пастрокда бўлиши лозим.

6.12. Чангсимон чиқиндиларни кўмишда бу чиқиндиларни нақлиётдан тўқатганда ва кўмаётганда, шамолнинг олиб кетишини истисно қилувчи тадбирлар кўзда тутилмоғи лозим.

6.13. I-синф хавфсизликдаги ҳамда II - ва III -синфлар хавфсизлигидаги сувда эримайдиган чиқиндилар билан тўлдирилган карталарнинг қисмлари маҳаллий лойли грунт қатлами билан изоляцияланиши. Сўнгра, бу қатламнинг устки қисми гербицидлар билан ишланиши лозим. Изоляцияловчи қатлам грунтлари меъёрий намликда шиббаланиши ва зичланиши лозим. Изоляцияловчи қатлам қалинлигини ҳар бир мўайян ҳолда тажрибавий - саноят синовлари натижалари асосида ифлословчи моддалар хоссаларига боғлиқ равишда олиниши, лекин, бошланғич химоя қатламини ҳам ҳисобга олганда, камида 2 м бўлиши лозим.

Изоляцияловчи қатлам каварик сиртга эга бўлиши лозим. Картанинг ўртасида тўқма устун, кўтарма четига нисбатан камида 1,5 м юқорида бўлиши, ўрамаси бўйича эса, кўтарма четига тенг бўлиши лозим. Бунда тўқмани устки қатлами камида 0,15 м қалинликдаги нефть ёки катрон билан, бир вақтнинг ўзида учга цемент қушиш ва аралаштириш орқали ишлов берилиши ҳамда силлик галтак машина билан зичланиши лозим. Нефть ёки катроннинг миқдорини шунингдек, фаол қушимчалар миқдорини 2-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Изоляцияловчи қатлам (тўсиқ) карталар ўлчамидан ташқарига (кўтарма ўрнидан) бутун ўрама бўйича картани ёпилганидан кейин ўрнатиладиган селни олиб кетиш тарновларини ҳам ҳисобга олганда камида 2 м ташқарига чиқиши лозим. Карталар орасида доимий ҳаракат бўлмаганда, қўшни карталар орасидаги изоляцияловчи қатлам умумий бўлиши мумкин.

6.14. Полигонни ишга топшираётганда, тайёр карталар ва бункерларни ҳажми ва уни келгусида кенгайтириш имкони чиқиндиларни карталарга кўмишга 2 йил ичида темирбетон бункерлар ҳолида, 5 йил ичида қабулни таъминлаши лозим.

6.15. Бўғлатгич - ховуз косаси сизишга қарши тўсиққа эга бўлиши лозим. Сизишга тўсиқларнинг тури ва конструкцияси ҳамда уларнинг қўлланиши маълумотнома тарзидаги 2-иловада келтирилган. Сизот сувларини пасайтириш қатламига эга бўлган тўсиқ ер ости сувларини ифлосланиш талабларига қўп жиҳатдан мос келади. Тўсиқнинг бу ҳилида сизот сувларини бўғлатгич-ховузга қайтариш кўзда тутилиши лозим.

Ифлосланган ёмғир, эриган қор ва сизот сувларининг хавфлилик синфи карталарда йиғилувчи чиқиндиларнинг энг зарарли моддаси (ёки битта синф моддалар йиғиндиси), агар унинг (уларнинг) чиқиндилардаги миқдори масса бўйича 10 г дан кам бўлмаса, уша модда бўйича қабул қилинади.

6.16. Полигонларда 300 т гача миқдорда пестицидларни кўмишга рухсат берилмайди. Пестицидларни уларнинг хавфлили синфига қараб, бошқа чиқиндилар билан бирга кўмилади.

2-Жадвал

Лойли грунтлар. Пластикли к.рони	Нефт ёки тошқолнинг сарфи		Фаол қўшимчалар миқдори	
	фаол қўшимчасиз	фаол қўшимчали	цементни	фаол оҳакни (СаО)
3-7	$\frac{5-8}{1.0-1.6}$	$\frac{4-5}{0.8-1.0}$	$\frac{3-4}{0.6-0.8}$	$\frac{2-3}{0.4-0.6}$
7-12	$\frac{6-8}{1.2-1.6}$	$\frac{4-6}{0.8-1.2}$	$\frac{3-4}{0.6-0.8}$	$\frac{2-3}{0.4-0.6}$
12-17	$\frac{8-10}{1.6-2.0}$	$\frac{6-8}{1.2-1.6}$	$\frac{4-5}{0.8-1.0}$	$\frac{3-4}{0.6-0.8}$

*Изох. Ашёларнинг сарфи суратда келганвчи грунтнинг массага нисбатан % ларда.  
махражда кг/м<sup>2</sup> ларда берилган.*

## 7. Технологик жараёнларни механизациялаштириш

7.1. Саноатий захарли чикиндиларни зарарсизлантириш бўйича заводлар лойихасида ишчи шахсларнинг чикиндилар билан контактининг олдини олиш ҳамда атропоф мухитни химиялаш учун қўйидагилар кўзда тутилиши лозим:

- суюқ чикиндиларнинг харақатлантирувчи мосламалар воситасида герметик хажмий ускуналарга қабул қилиш;

- суюқ ёнувчи чикиндиларни мосланган автомобил цистерналарда, металл барабанларда ёки бочкаларда (жўнатувчида суюқ чикиндилар кичик миқдорда бўлганда);

- суюқ чикиндиларни қайта ишлаш учун хажмий ускуналардан сургичлар воситасида ёки қувуртказгичлар бўйича инерт газ билан қисув орқали узатиш;

- лойсимон ёнувчи чикиндиларни, қоидага кўра, ёнувчан идишда ташиш;

- қўлжагли грейферли куприк-симон кўтаргич воситасида қаттик чикиндиларни ўчоққа киритиш, бу ҳолда машинист чикиндили бункерини қўриб туриши таъминланиши лозим (қараш телевизион қурилмаси воситасида ҳам таъминланиши мумкин);

- ўчоқни қаттик чикиндиларни узлуқсиз узатилишини таъминловчи, улуқловчи қурилмалар билан, шунингдек, ўчоққа идишда лойсимон чикиндиларни узатиш қурилмаси билан ускуналаш;

- заводнинг саноатий захарли чикиндиларини зарарсизлантириш бўйича бозча технологик жараёнларни автоматлаштириш лозим.

7.2. Чикиндиларни қўмиш майдонларини лойихдалашда чикиндиларни таширишни ва қоздаларда тақсимлашни, уларни сақлашни мумкин қадар механизациялаш кўзда тутилиши лозим.

8. 4 - ва 5-синфдаги хавфлилик чикиндиларни, қоидага кўра, қаргаларга чикиндиларни маҳсабадан туриб ташириш мосла-

малари билан жихозланган махсус герметик контейнерларда ташиш кўзда тутилиши лозим. Курилиш пайтида карталардан ёмғир ва эриган қор суларини сўриб олиш учун кўчма моторли сўргичлар ёки сўргичлардан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим.

Чикиндиларни кўмишга оид машиналар ва механизмлар билан бир қаторда янги карталарни ва тулган карталарни ўрашда сув сингдирмайдиган қопламаларни вужудга келтиришга оид машина ва механизмларни ҳам (экскаваторлар, булдозерлар, грейдерлар, текислагич машиналар, лой аралаштиргичлар, автоўзитувгичлар, катрон куювчи машиналар, диски бороналар ва б.) кўзда тутилиши лозим.

#### 8. Атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш

